

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 418-ҳадис

1. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ана ўша Кунда ер ўз хабарларини сўзлар», деган оятни ўқиб:

«Ернинг хабари нима эканини биласизларми?» деганларида, сахобалар: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчи», дейишди. Шунда у зот: **«Ҳар бир қул (эркак) ва чўри (аёл)нинг ер устида бирор амал қилганига гувоҳ бўлиб, ундай қилгансан ва бу кун бундай қилгансан, деб айтиши мана шу хабар беришидир»**, дедилар.

И мом Термизий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

